Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 4-iyun, seshanba
№ 68 (14559)

2001 йил давомида қурилиш-монтаж ишлари суст олиб борилгани сабабли Нурота, Навбаҳор туманлари ва Навоий шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмади.

Вилоятда ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда.

Мактабларнинг 62 фоизи спорт заллари, 21 фоизи футбол, 13 фоизи эса волейбол майдонлари билан таъминланмаган бўлса, ёшларни қандай қилиб спортга жалб этиш, уларни соғлом ва бақувват этиб тарбиялаш мумкин?

Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан

САМАРҚАНДДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР, УНИВЕРСИАДА!

Бугун Ўзбекистон ёшлари оммавий равишда спорт оламига қадам қўймоқдалар. Балки орадан йиллар ўтиб, ёшларимиз учун спорт оддий ҳодисага, кундалик турмуш тарзига айланиб қолар. Ана шунда ҳам келгуси авлод Ўзбекистонда спортнинг оммавийлашувига аср бошларида асос солинганини, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларининг ташкил этилиши нақадар муҳим аҳамият касб этганини ҳеч қачон унутмайди. Бу ўзаро боғлиқ узлуксиз тизимнинг вужудга келиши, нафақат Ўзбекистон спорти солномасида, балки Ватанимизнинг шонли тарихида ҳам зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиб қолади, десак ҳеч муболаға бўлмайди.



Бухорода бир ҳафта давом этган олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада—2002" мусобақалари якунланди. Мусобақаларнинг ёпилиш маросими ҳам тантанали ва ҳаяжонли тарзда ўтди. Икки йил олдин Наманганда илк бор учрашган универсиадачилар Бухородаги учрашувларни қанчалик орзиқиб кутган бўлсалар, икки йилдан кейин Самарқандда ўтадиган "Универсиада — 2004" мусобақаларига қадар соғинч уларнинг юракларини қанчалик ҳаяжонга солишини шу тобдаёқ ҳис этиб турганликларини сезиш қийин эмас эди.

"Универсиада — 2002"нинг ёпилиш маросимида қатнашиш учун Бухородаги минг-минглаб спорт ва гўзаллик шайдолари муҳташам "Бухоро" ўйингоҳи томон оқиб кела бошладилар. Аммо меҳмонлар, спортчилар ва таклиф этилганлар билан лиқ тўла ўйингоҳга кириш уларнинг ҳаммасига насиб этавермаслиги маълум эди. Шунинг учун ташқарида мухлислар учун ўрнатилган экран орқали "Универсиада"нинг ёпилиш тантанасини томоша қилиш имконияти яратиб берилди.

Даставвал "Универсиада"да иштирок этган 16 та жамоа вакиллари майдонга карнай-сурнай садолари остида кириб келдилар. Ғолиблар учун бериладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — учта "Дамас" автомобили ўйингоҳнинг бир тарафида ўз эгаларини кутиб турарди. Ниҳоят, ғолиблар номи эълон қилина бошланди:

— "Универсиада — 2002" спорт ўйинларида биринчи ўринни эгаллаган "Тошкент-I" жамоаси аъзоларини муборакбод этамиз!

Майдон узра олқишловчи ҳайқириқлар янгради. Президент совғаси ва "Универсиада— 2002"нинг I-даражали дипломини "Тошкент — I" жамоасидаги энг фаол иштирокчиларни тайёрлаб берган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти вакилларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ва Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Самойидин Хусенов топширди.

"Универсиада"да II ўринни эгаллаган Бухоро вилояти талабалар жамоаси ютуғи учун Бухоро Давлат университетига, III ўринни эгаллаган Наманган вилояти талабалар жамоаси учун Наманган Давлат университетига Президент совғалари ва дипломларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов. Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов, Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиевлар тантанали суратда топширишди.

Шундан сўнг "Универсиада"нинг бир нечта номинациялари бўйича ғолибларга ҳомийларнинг мукофотлари тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев "Ғалабага интилишда қатъий ҳаракати учун" соврини — компьютерни Қорақалпоғистон Республикаси волейболчи йигитларига топширди. Шунингдек, "Энг аҳил жамоа учун" совринига қўйилган телевизорни Урганч Давлат университети талаба ёшларига Бухоро вилоят ҳокимининг ўринбосари Маҳбуба Содиқова, "Юксакликка эришган жамоа учун" соврини Тошкент Аграр университети спортчиларига Бухоро шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати Карим Камолов, "Энг кўп ғалабани қўлга киритган жамоа учун" совринини Фарғона Давлат университетига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Қосимов, "Спорт-даги маданият ва нафислик учун" совринини бухоролик бадиий гимнастикачилар гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраевлар топширишди.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Тақдирлаш маросимидан сўнг тантанавор мусиқа чалиниб, "Универсиада" машъаласи ўчирилиб, рамзий байроқ туширилди. Бухоролик йигит-қизлар "Универсиада" рамзи туширилган оқ байроқни майдон ўртасидан олиб ўтиб, самарқандлик тенгдошларига топширишди. Демак, кўҳна ва навқирон Самарқанд 2004 йилда ўтадиган навбатдаги "Универсиада"га тайёргарлик кўради.

"Универсиада—2002" ёпилишига бағишланган мусиқали дастурни самарқандлик таниқли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мардон Мавлонов бошлаб берди. Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг дилбар қўшиқлари, пойтахтдан келган бир неча эстрада гуруҳларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Беш минг нафар талаба қиз кўтариб чиққан Ўзбекистон Республикасининг улкан байроғи ўйингоҳнинг футбол майдонига тенг саҳнини эгаллаб, мавжланганида томошабинлар қалби осмон қадар юксалди. Шундан сўнг ёшларнинг севимли қўшиғига айланган "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" қўшиғи садолари остида ва байрамона мушакбозлик билан "Универсиада—2002" мусобақалари поёнига етди.

Саидбурхон ҚОДИРОВ,
«Turkiston» мухбири

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

1 июнь болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни муносабати билан республика болалар полиэмилит шифохонасида байрам тадбири ўтказилди. Байрам шодиёнасида Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан учрашув ўтказилди. Эл ардоғидаги шоир болаларга ўзининг янги шеърларидан намуналар ўқиб берди ҳамда бир қанча китобларни шифохона кутубхонасига ҳадя этди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси томонидан уюштирилган байрам тадбири сўнгида Аброр Ҳидоятов номли Республика ёш томошабинлар театри артистлари концерт дастурини ижро этди.

Шу куни мазкур шифохонанинг қайтадан таъмирланган 3-бўлимининг очилиш маросими ҳам ўтказилди. Мазкур бўлим ҳомийлар ёрдамида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди.

Дилафрўз ҚОСИМОВА

"Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан Боғишамол туман Кенгаши хайрли ишга қўл уриб, Кенгаш қошида "Эъзоз" клубини ташкил этди.

Клубнинг эътиборли ва ўзига хос жиҳати шундаки, унинг фаолияти ёлғиз ва ёрдамга муҳтож қарияларга амалий кўмак беришдан иборат.

Ана шундай савоб ишларнинг бошини тутган "Эъзоз"чилар тумандаги "Мангу олов" ёдгорлигида тозалаш-ободонлаштириш шанбалиги ўтказишди.

Комила СИДИҚОВА

* * *

Ёшлар орасига ташаббус ва янгиликлар билан кириб бориш "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳаракатнинг Қўнғирот тумани 53-мактаб бошланғич ташкилоти ташаббуси билан мактабда "Ёшлик" радиоузели ташкил қилинди. Радиоузел орқали ўқувчилар ҳафтасига уч марта "Камолот" янгиликлари, иқтидорли ёшларнинг шеър ва қўшиқлари, қизиқарли ҳангомалар ҳамда ёқимли мусиқалар тингламоқдалар. Диққатга сазовор томони шундаки, радиоузел дастурлари бевосита ўқувчилар томонидан тузилиб, бошқарилиб борилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг изланувчанлиги, янгиликларга интилувчанлигини янада орттирмоқда.

А.АЙМУХАММЕДОВ

ФАОЛЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ

Самарқанд банк коллежи талабалари орасида истеъдодли ёшларни танлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Коллеж ёшларининг "Табассум" бадиий-ҳаваскорлик гуруҳи кўпгина беллашувларда Сиёб тумани бўйича биринчиликни қўлга киритиб, вилоят танловига йўлланма олганлиги фикримиз далили бўла олади.

Шунингдек, коллеж ёшлари ижодий гуруҳи "Ўзбекистон — Ватаним маним!" қўшиқ ва рақс кўрик-танловида вилоятда биринчи ўринни олиб, республика кўрик-танловида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритишганди.

— Танлаб олинган талабаларимизнинг ҳаммаси ҳам сидқидилдан иштирок этмоқдалар. Аммо Ҳулкар Улуғмуродова, Хуршид Муҳиддинов, Анвар Усмонов, Азиза Лутфуллаева сингариларнинг истеъдоди ҳақида алоҳида гапирмасак бўлмайди, - дейди коллеждаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти раҳбари биз билан суҳбатда.

Биз коллеж ёшлари ҳаракатчанлиги, изланувчанлиги, фаоллигини кўриб, "Бўш келманг, шунқорлар!" дегимиз келди.

Ориф ҲОЖИЕВ

ЭРТАНИНГ ЭГАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Сирғали политехника касб-ҳунар коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, "Фидокорлар" Миллий демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган учрашувда тумандаги Молия-иқтисод коллежи, Меҳмонхона коллежи ва Политехника касб-ҳунар коллежининг уч юзга яқин талабалари иштирок этишди. Йиғилганларга Референдумда умумхалқ муҳокамасига қўйилган масалалар моҳияти юзасидан Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Аъзамат ЗИЁ атрофлича сўзлаб берди. Иштирокчилар бу мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб ҳам олдилар. Таъкидлаш керакки, учрашувда белгиланган мавзудан ташқари гиёҳвандлик оқибатлари, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, ёш оила муаммолари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мана шундай тадбирларни аслида ҳар бир таълим муассасасида, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ташкил қилишимиз керак, - дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Шавкат Ибрагимов. — Чунки бу ёшлар эртанги порлоқ келажагимиз эгалари. Уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишларига барчамиз масъулмиз.

Хуршидбек РЎЗИЕВ

ЗЎРДАН ЗЎР КЎПАЙМОҚДА

Яқинда бошланган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг дастлабки учрашувида миллионлаб мухлислар Франция терма жамоасидан мутлақо ўзига хос ўйин намойиш этишини кутишган эдилар. Бироқ футбол мутахассислари Африка қитъаси жамоаларини "топишмоқ" жамоалар деб тўғри баҳолашган экан. Тўғри, "А" гуруҳидаги Франция-Сенегал жамоалари учрашувида шовшув юз берди, бироқ французларнинг фойдасига эмас. Баъзи бировлар аутсейдер деб ҳисобланган "қора қитъа" вакилларидан бўлган Дион (30 дақиқа) Фабиен Бартезни доғда қолдирди. Хуллас, Сенегал терма жамоаси жаҳон чемпионатидаги дастлабки иштирокидаёқ ғалабага эришди. Шу куни Франция жамоасига ўртоқлик учрашувларидан бирида енгил жароҳат олган машҳур Зинедин Зиданнинг майдон ташқарисидан қўллаб-қувватлаб чалган қарсаклари ҳам мадад бўла олмади.

"Е" гуруҳидаги Камерун-Ирландия учрашувида ҳам африкаликларнинг қўли баланд келиши мумкин эди. Фақат ўйиннинг 52-дақиқасидаги Ирландия жамоаси футболчиси Мак Колан томонидан киритилган жавоб тўпигина европалик мухлисларда бироз умид уйғотди.

"А" гуруҳидаги Дания—Уругвай учрашувида Голландиянинг машҳур "Фейенорд" жамоаси ҳужумчиси, даниялик Йон Даль Томассон 45-дақиқада ЖЧларининг 1930 ва 1950 йилдаги ғолиби Уругвай жамоаси дарвозасига биринчи тўпни киритишга муваффақ бўлди. Уругвайнинг олтинчи рақамли футболчиси Дарио Родригас учрашувнинг 2-бўлим 47-дақиқасида футбол биринчилигининг энг чиройли тўпларидан бирини данияликлар дарвозасига йўллаб, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг бундан қаноатланмаган Йон Даль Томассон 83-дақиқада яна битта тўпни Уругвай жамоаси дарвозасига йўллаб, ЖЧ—2002да биринчи бўлиб дублга эришди.

Уч карра жаҳон чемпиони Германия ва Саудия Арабистони терма жамоалари учрашуви ЖЧ—2002нинг энг сермаҳсул учрашувларидан бири бўлиб тарихда қолса ажабмас. Германиялик футболчиларнинг биринчи учрашувданоқ "иштаҳалари очилиб кетиб", машҳур немис футболчиси Руди Феллернинг шогирдлари Мирослав Клозе, (хет-трик 20, 25,69), Михаил Баллак (40), Карстен Янкер (46), Томас Линке Оливер Бирхофф (85), Бернд Шнайдер (92) ва (78)лар саудия арабистонилик футболчилар дарвозасига жавобсиз саккизта (!) тўп киритишди. Йирик ҳисобдаги мағлубиятдан сўнг маҳоратли германиялик футбол усталари йўллаган тўпларни бартараф эта олмаган Саудия Арабистони жамоаси дарвозабони Муҳаммад ал-Дайянинг тажрибаси анча етишмаслиги маълум бўлди. Тўғри, Саудия Арабистони жамоаси илк учрашувданоқ йирик ҳисобда мағлубиятга учради. Бироқ, бу бизнингча ҳали ҳаммаси эмас. Осиёликлар ҳам ўз қитъасидаги ЖЧ майдонларида ўз ҳақини меҳмонларга бериб қўймаса керак. Биз шунга асосланиб, улар ҳақидаги ижобий башоратлар рўёбга чиқишига умид қиламиз.



ЖЧ — 2002нинг иккинчи кунидаги икки карра жаҳон чемпиони Аргентина ва икки карра Африка қитъаси ғолиби Нигерия жамоалари учрашувида Марадонанинг ватандошлари қийинчилик эвазига 1:0 ҳисобидаги ғалабага эришишди. Учрашувнинг 63-дақиқасида жаҳон футбол юлдузи Габриэль Батистута (Батигол) нигерияликлар дарвозасига ўзининг ЖЧлари майдонларидаги 10-тўпини киритди.

Кеча бўлиб ўтган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди:

G гуруҳи
Хорватия-Мексика 0:1
Италия-Эквадор 2:0
С гуруҳи
Бразилия-Туркия: 2:1
С гуруҳидаги Хитой ва Коста-Рика жамоалари ўртасидаги учрашув бугун бўлиб ўтади.

Воҳид БОЙМУРОДОВ
тайёрлади

LUQMA

ТУФЛИМНИ ИФЛОС ҚИЛМАНГ

Йўлда кетаётиб, бир ўсмирнинг ёши улуғ онахонга қилган муносабати мени ҳайратлантирди. Тиқилинч автобусда кетар эканмиз, бехосдан ўсмир аёлга қараб ўшқира кетди:

— Эй хола, шунчалик ҳам босасизми оёғги, туфлимни ифлос қилдийиз-у.

— Нима қилай, ахир, ўғлим, орқадан одамлар тиқилиб келишаётган бўлса — ялингансимон оҳангда гапирди аёл.

— Шунинг учун босиш керакми?! - бақирди ўсмир.

Чор-атрофдаги йўловчиларнинг насиҳатнамо овозлари эшитила бошлади. Ўсмир гапга жуда уста экан, уларнинг барчасига муносиб жавоб бера бошлади. Унинг барча гапларидан калондимоғлик, ўзгаларнинг шахсиятига паст назар билан қараши сезилиб турарди.

Нахотки, ёшларимизнинг маънавий дунёси шунчалик камбағаллашиб кетган бўлса? Ёки ёшларга нотўғри тарбия бериляптими? Аниқроғи, ота-оналар фарзандларига тарбия бермаяпти. Агар шу ўсмир оилада тўғри тарбияланганда эди, у ёши улуғ аёлга ўдағайламасди. Аксинча унга жой беришга ҳаракат қиларди.

Бехзод БОЗОРОВ,
талаба

XXI аср — ёшлар асри

Анахоним БАТИРОВА,
Қашқадарё вилояти,
Қарши шаҳри

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Голибжон МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Янги Дунё — ёшлар дунёси

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИ

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Болангиз кўчада қолмайдими?

Ана, ёз ҳам келди. Бу фаслни ҳеч ким болаларчалик интиқлик билан кутмаса керак. Мактабдаги шовқин-суронга тўла ўқиш даври тугаб, ёзнинг шодлик ва қувончлар, таассуротларга бой дам олиш ойлари бошланди. Мактабни таътил орзусида тамомлаган ўғил-қизлар оромгоҳларга бориш учун ҳозирликни бошлаб юборишган. Лекин оромгоҳлар болаларни кутиб олиш учун тайёрмикин? Шу саволга жавоб топиш мақсадида Республика Халқ таълими вазирлиги маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси етакчи-назоратчи методисти Камолиддин Жўрабоевга мурожаат қилдик.

— Республика Касаба уюшмалари федерацияси томонидан 270000 болани 714 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш режалаштирилган. Бундан ташқари, 5550 нафар бола иқтидорли болалар оромгоҳига, 3585 нафар болалар Меҳрибонлик уйларида ташкил этилган оромгоҳларга, 8600 нафар болалар эса мактаб, интернатларда ташкил этилган оромгоҳларга жалб қилинади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун вазирлик тасарруфидаги "Меҳрибонлик уйи оромгоҳи"да 900 нафар бола дам олади. Бунинг учун асосий сарф-харажатлар касаба уюшмалари, хўжалик органлари ҳисобидан сарф этилади. Ота-оналар ҳисобига эса жуда кам миқдорда пул тўлаш белгиланган. Шунингдек, Республика таълим маркази ва мактабдан ташқари таълим муассасалари томонидан методик тавсияномалар ва тўгарак дастурлари, республика миқёсида саёҳатлар уюштириш тахминий режаси ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази томонидан ишлаб чиқилди. Оромгоҳлар ўз вақтида иш бошлаши учун зарур бўлган барча ҳаракатлар, юмушлар амалга оширилмоқда. Истагимиз — фарзандларимиз кўнгилли дам олсин, ўсиб-улғайсин ва соғлом бўлсин.

— Шунинг ўзи билангина чекланиб қолинмаса керак?

— Албатта, бундан ташқари, ўқувчи ёшларни ёзги дам олиш мавсумини самарали ўтказиш мақсадида жойлардаги касаба уюшма қўмиталари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мактаблар қошида қисқа муддатли "Соғломлаштириш майдончалари" фаолият кўрсатади. Маҳалла гузарларида миллий ҳунармандчилик ва спорт йўналишлари бўйича тўгараклар ташкил этиш учун топшириқ берилган.

— Оромгоҳларни педагог ходимлар билан таъминлаш масаласи қай даражада ҳал этилган?

— Барча турдаги оромгоҳлар талабига кўра ташкилотчи, бош етакчи, тарбиячи, мусиқа, жисмоний тарбия ва тўгарак раҳбарлари каби педагог ходимлар билан таъминлаш чораси кўриб чиқилган. Уларнинг мавсумлар бўйича рўйхати тузилиб, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида махсус курслар ташкил этилган. Педагогика олий ўқув юртлари раҳбарларига жорий йилнинг 25 майигача ёзги дам олиш мавсумига сафарбар этиладиган талабалар учун ўқув дастурларини тугаллаб, ёзги имтиҳонларини барвақт топширишларини таъминлаш, тўғрисида топшириқ берилган. Ушбу талабаларнинг оромгоҳларда болалар билан ишлаш тайёргарлиги самарали бўлиши учун жойларда улар билан ҳам ўқув машғулотлари ўтказилди. Бўстонлиқ туманида Республика Касаба уюшмалари федерацияси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ва бир қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда семинар ўтказилди. Ушбу семинар қатнашчиларига — ёзги соғломлаштириш лагерларида ишлайдиган педагог ходимларга вазирлик томонидан ёрдам тариқасида 150 дона қўлланма тарқатилди.

Азиз АКРОМОВ олган суратлар

— Жойлардаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарувчи ўғил-қизларни озиқ-овқат билан таъминлаш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, соғломлаштиришни уюшқоқлик билан ташкил этиш масалалари қандай ҳал қилинган?

— Республикамизда, асосан болалар ёзги дам олишига жиддий тайёргарлик кўрилган, бироқ шунга қарамай, ҳозирги шароитда озиқ-овқат ва саноат молларига нисбатан нарх-навонинг ўсиши, транспортда йўловчилар ташиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўлов миқдорларининг кескин ошганлиги ва бошқалар болалар ва ўсмирларни соғломлаштиришни ташкил этишда талайгина қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Ҳар йили кузатиладиган муаммолар — оромгоҳларни ичимлик суви билан таъминлаш, телефон алоқаси ўрнатиш, тўгараклар ишлаши учун шароит яратиш, санитария гигиена меъёрларига қатъий риоя қилишдир. Бу муаммолари ҳал этишга ҳаракат қилиняпти.

«Turkiston» мухбири Лола СОАТОВА суҳбатлашди

YOSH OTA-ONA UCHUN MASLAHATLAR

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан.

ОИЛА ВА МУЛК МУНОСАБАТЛАРИ

Оилага берилган бундай эътибор бежиз эмас, албатта. Оила, энг аввало Ватандир. Ундаги тарбия, муҳит оила аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри тушуниши билан янада мустаҳкамланади. Оиланинг асосий аъзолари эр ва хотин бўлиб, улар оилада тенг ҳуқуқлидирлар. Эр-хотин оилани бошқариш, болалар тарбияси ва турмуши масалаларини ҳал қилишда, шунингдек, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқларида эрклидирлар. Бу ҳуқуқлардан ташқари, эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқлари ҳам мавжудки, бу масалаларни тўғри тушуниш оилани янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатлар "Оила кодекси", "Фуқаролик кодекси" каби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Эр ва хотин мулкларини шартли равишда умумий мулк ҳуқуқи ва ҳар бирининг мулкидан иборат, деб ажратишимиз мумкин. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулклари деганда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр ёки хотиндан бири эга бўлган мулк тушунилади. Умумий мулкдан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф этишда эр-хотин тенг ҳуқуқга эга. Улардан бири умумий мол-мулкни тасарруф этиши мумкин эмас.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳаки ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам улар умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Чунки оилада уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш ҳар қандай маош тўланадиган ижтимоий фаолиятга тенг. Ҳатто ундан кўра кўпроқ меҳнат талаб қилиши ҳам мумкин. Шарқ оилаларида бу иш билан асосан аёллар шуғулланишади.

Эр-хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, умуман никоҳ давомида орттирилган ҳар қандай мол-мулклар улардан фойдаланиб келган эр ёки хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.

Умуман жуфтлик ўртасидаги мулкий муносабатлар оилани мустаҳкам ва барқарор бўлишига хизмат қилади. Бундан ташқари, эр-хотин ўртасида келиб чиққан низоларни тўғри ҳал этиш учун ҳам асос бўлади.

Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА

BANK VA ISLOHOT

Мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатлар

ФЕРМЕРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ...

"Пахтабанк" ўзининг Республикамиздаги шахобчалари ва жамғарма тармоқлари орқали турли мулкчилик шаклларига асосланган корхона ва ташкилотларда банк операцияларини амалга ошириб, кенг молиявий хизмат турларини кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, "Пахтабанк" акциядорлар манфаатини ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш орқали тадбиркорликни ривожлантириш дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. "Пахтабанк"нинг "Сардоба" АТ бўлими Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида жойлашган. Оқолтинликлар кўпроқ деҳқончилик билан шуғулланганлиги боис уларнинг аксарияти деҳқон-фермер.

Шу боисдан улар кредит олиш учун "Пахтабанк"нинг "Сардоба" бўлимига келади. Банклар эса доимо улар хизматида.

Жумладан, "Тухмоқ" фермер хўжалиги 2001 йилда ўрта муддатли кредит маблағи олиб, МХ-135 русумли ер ҳайдов трактори сотиб олди. Натижада 2 та янги иш ўрни яратилди.

"Норқул" фермер хўжалиги ҳам 2001 йилда лизинг ҳисобига МХ-135 русумли ер ҳайдов трактори сотиб олиб, 2 та янги иш ўрнини яратди. Ҳозирги кунда ушбу трактор туман деҳқон ва фермер хўжаликларига шартнома асосида техник хизмат кўрсатиб келмоқда.

— "Сардоба" бўлимимизда 2001 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2000 йилга нисбатан 146560,0 минг сўмга кўпдир, — дейди бошқарув раиси Камол Жонузоқов. — Бўлимда 2001 йил бошида 184 нафар мижоз бўлиб, айни пайтда 239 нафарни ташкил этади.

Банк бўлимидан 2002 йил 1 чорагида "Улуғбек" фермер хўжалиги 10000,0 минг сўм ўрта муддатли кредит олиб, К-700 русумли трактор сотиб олди. Натижада 2 та ишчи ўрни яратилди. Ҳамда Оқолтин тумани хўжаликларига шартнома асосида ҳар ойда 1500,0 минг сўмлик техник хизмат кўрсатмоқда. Бу эса "Улуғбек" фермер хўжалигининг деҳқончиликдан тушган даромадидан ташқари қўшимча даромад манбаига айланди.

Банкда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишни кучайтириш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари нақд пулларини инкассацияга жалб қилиш ишлари кучайтирилмоқда. Доимий тушумга эга бўлган ташкилотлар тушум пулларини тўлалигича банк кассасига топширилиши устидан назорат ўрнатилган. 2002 йил биринчи чораги касса режаси 178000,0 минг сўм бўлиб, ҳақиқатда 193817,0 минг сўмга етказилиб, режа 108,9 фоизга ошиғи билан бажарилди.

Натижада банк почта ва алоқа хизмати ташкилотларини ўз вақтида нафақа ва бошқа маблағлар билан таъминлашни яхшилади. Банкда мижозлар билан ходимлар ўртасида алоқа яхшиланиб, мижозларнинг банк хизматидан фойдаланиши учун барча қулайликлар яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Пахтабанк"нинг "Сардоба" АТ бўлими кичик ҳамда ўрта бизнес вакилларига хизмат кўрсатишдан мамнун ва мамлакатимиз иқтисодининг юксалишига йўналтирилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашга бел боғлаган.

Бобомурод РАЙИМОВ

YOSHLIK BAHSLARI

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТ

Ҳозир Тошкент Ислом университетида кимлар таҳсил олмоқда? Улар қанчалик билим ва салоҳиятга эга? Улар динимиз тарихини қанчалик тушунадилар. Бу саволларга жавобни университет талабаларининг ўзларидан эшитайлик.

Даврон МАҚСУДОВ — Мактабда дунёвий билимларга ҳам қизиқардим. Андижон Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириш ниятим ҳам бор эди, бироқ омадим бу ёқда чопди. Бизда Шарқ халқлари тарихи, Ислом тарихи ва фалсафаси шу даражада теран ва мукаммал ўргатиладики, баъзан бу ерда ўқимаганимда, шунча билимдан бебаҳра қолар эканман, деган хаёлга бораман... Бирга ўқиётган йигит-қизларнинг истеъдоди, иқтидори, инсоний фазилатларини, тафаккур ва маданиятини кўриб, жуда қувонаман, фахрланаман.

Дарвоқе, Даврон Мақсудов, ҳозироқ жуда хайрли ва аҳамиятли бир ишга қўл уриб, балли деса арзийдиган муваффақиятга эриша олди. Университет ҳовлисида мақбараси жойлашган машҳур дин пешвоси Шайх Ховандн Тоҳурнинг ҳаёти, фаолияти у кишининг хоки осуда ётган ёдгорлик ҳақида мўъжазгина рисола ёзиб тугатди. Унинг аҳамияти шундаки, халқимиз орасида алоҳида ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлган, пойтахтимизнинг катта бир туманига номи берилган бу зоти бобаракот ҳақида замон кишилари деярли ҳеч нарса билмас эди.

Саидафзал САИДЖАЛОЛОВ — Бобомиз кексайган чоғлари бир куни уйдаги ўзлари умр бўйи тўплаган, не-не бўронлардан омон-эсон олиб ўта олганлари — қадим қўлёзма китобларини бирма-бир қўлга олиб... йиғладилар, армонлари юзу соқолларини намлади. "Мен ўтгач, бу китобларни ким ўқийди?", дедилар.

Кўнглимдаги бобомнинг изидан бориш, диний илмларни эгаллаш фикри ана шу лаҳзаларда туғилди. Тошкентдаги араб тили ўргатиладиган 22-мактабда ўқидим. Ўқувчилик давримдаёқ мазкур тилни ва "Қуръони Карим"ни ўқишни ўрганиб олдим. Сўнг Имом ал-Бухорий номли Тошкент Ислом институтига кирдим.

Фиқҳни ўрганиш учун дастлаб Ислом тарихи ва бугунги ҳолатини ўрганиш даркор. Тарихнинг қайсидир босқичи ёки Исломдаги бугунги жараёнларни, унинг қонунларини билмай уларни ўрганиш мумкин эмас. Шариат қонунлари ўлкамизда қадимдан қўллаб келингани учун ҳаётимизга, яшаш тарзимизга, одоб қоидаларимизга жуда сингиб кетган. Ҳозир ҳам улардан жорий қонунларимизга зид келмайдиган даражада фойдаланишади. Биз аҳолисининг аксарияти қисми мусулмон бўлган мамлакатда яшаймиз, демак, давлат қонунлари қабул қилинар экан, шариат аҳкомлари албатта эътиборга олинади.

Убайдулла АҲМЕДОВ — Бу ерда диний билимлар билан бир қаторда дунёвий фанларнинг чуқур ўргатилиши айни муддао. Устозларимиз ҳам кучли, илмли. Ҳоҳлаган пайтда ўзингизни қизиқтирган савол билан мурожаат қилишингиз, керакли жавобни олишингиз мумкин. Динни яхши билмаслик, чуқур англамасликнинг оқибати яхши бўлмади. Натижада ёшларнинг аксарияти муқаддас динимиз — Ислом динини ниқоб этиб, нотўғри талқин қиладиган жоҳил одамлар тузоғига осонгина илинишади. Аммо уларнинг ғоялари бекор гаплар. Чунки дунёқарашни зўрлик билан ўзгартириб ёки маҳв этиб бўлмайди.

Шаҳноза ҲАКИМЖОНОВА — Президентимизнинг вилоятлардан биридаги фаоллар билан учрашувларини кўргандим. Бу учрашув менда жуда кучли таассурот уйғотган эди. Ўша куни кўпчилик ишининг кўнгилдагидай кетмаётганига у ёки бу баҳонани рўкач қилди, етишмовчиликларнинг панасида жон сақламоқчи бўлди. Фақат бир-икки одамгина ана шу камчиликларга, етишмовчиликларга қарамай, қаловини топиб иш юритганлари, ҳатто муайян ютуқларга эришганлари ҳақида сўзлашди. Тўғри, ҳали ҳамма ёқда ишлар равон кетяпти, дейиш қийин. Лекин, бу — "бер, бер" деган фалсафани маҳкам ушлаб, мана шундай яхши шароит қилиб берсанг, ишлайман дейишга асос бўла оладими? Ким Сизга, бизга шундай шароитни яратиб беради? Йўқ, бугун ҳамма ўз ўрнида, астойдил, имкон даражасида, ёниб меҳнат қилиши керак. Келажакда мен ҳам динимиз ва мамлакатимиз ривожига катта ҳисса қўшиш ниятидаман.

Лутфулло МАҲМУД, Нодира АБДУЛЛАЕВА

SIZ NIMA DEYSIZ?

Сўзнинг ёмони бўлмайди

ЁШЛАР НЕГА СЎКИНИБ ГАПИРАДИ?

Ёки муомала маданияти хусусида

Аввалига қўрқиб кетдим: "Қанақа одамлар орасига тушиб қолдим ўзи?" Орқа-олдимда тизилиб ўтирганларнинг юзларига қайта разм солдим. Бинойидек ва ҳатто кўпчилиги мен ардоқловчи чеҳралар, Деярли ҳаммасида ҳалигина мени таҳликага солган, энди эса ажаблантираётган мамнуният, табассум. Қулоқни тешгудек қийқириқ. "Молодец, боплади!", "Ўзи битта-да бизнинг..." каби қочириқлар.

Саҳнада эса мен учун буюклик тимсоли бўлмиш севимли санъаткорим. Ҳа, адашмаяпман, ўша. Аммо, афсуски, қулоқларим ҳам адашмаяпти. Ҳиром айлаётган сўзлари ҳам ўша:

"Узун қўйлак тагидаги бор нарса,

Узун иштон тагида ҳам шу нарса".

Бундан бир неча йил муқаддам рўй берган бу воқеани негадир бугун эсладим. Нега эслаганим-ку ўзимга маълум, сизга ҳам кейинроқ айтиб бераман, лекин негадир ўша таҳликани, ўша ҳайратни бугун ардоқлаб эсладим. Оғриқли эсланиши лозим бўлган бу кечинмаларнинг, аксинча, ардоқли хотирага айланганига таажжубландим. Ўйладим, изладим ва англадим. Англаб қаттиқ қойиндим. Ўзгаларданми, ўзимданми, рости кимдан қойинганимни билмайман.

Кучлилик сўкинишга муҳтож эмас.
Ф.М. Достоевский

Биламанки, ҳаётимнинг ўша воқеадан кейинги босқичларида ўзгалар мени бу каби ва шунга ўхшаш кечинмаларга кўп марта дучор қилишди. Ўзим эса ҳар гал дуч келганимда ҳайратимнинг бир қисмини бой беравердим ва оқибатда ажабланмай қўйибман. Қўпол суҳбатларни, бачкана қўшиқларни эшитганимда парвойимга келмайдиган ва баъзан атрофдагиларга қўшилиб куладиган ҳам бўлибман. Бироқ бугун қулоғимга чалинган бир суҳбат мени... Ифодалаб беролмайман. Чунки у сўзлар нафратимдан паст, ғазабимдан паст эди ва... ва... яна нималар дейиш мумкин?!

Аммо айни дамда, ичимдаги боримни борлигича қоғозга тушираётган ушбу лаҳзада севинсам, ўзимдан мамнун бўлсам арзийди. Ахир ҳали унчалик тубанлашиб кетмабман, ўзимни йўқотиб қўймабманки, бугун гувоҳ бўлганларим юрагимда исён қўзғатди. Ҳали кўникиш касалига йўлиқмаган муаззамлик пайтларда тинглаганим, сиз ҳам тинглаганингиз ўша қўшиқнинг сўзлари тутоқтирган даражада ўйга толдим, мулоҳазага чўмдим.

Ёки ўзимнинг шундай ҳолга тушганимдан севинаётганим ҳам "қаро"лашганимнинг белгисимикан-а? Эҳтимол, бу воқеага гувоҳ бўлган ҳар қандай одам ҳам... эшитиб кўрингчи, сиз нима деркинсиз?

Бекатда автобус келгунга қадар одамларни кузатиб ўтирдим. Сал нарирокда, мактабга кетаётган эди шекилли, папка осиб олган иккита болакайга кўзим тушди. Нималарнидир баҳслашаётган эканлар. Келажагимиз таянчларининг нималар тўғрисида баҳс юритишаётгани билан қизиқдим. Яқинроқларига бориб қулоқ тутган эдим, эшитган гапимдан қулоқларим ҳам уялиб кетди:

—Онангни... укамсан-да, бўлмаса ўзим билардим.

"Яхшиям укаси экан. О, йўқ, наҳотки, укаси бўлса!? Наҳотки, ўз онасини..."

Шу пайтда автобус келиб тўхтади. Автобусда болакайнинг укаси билан ёнма-ён туриб қолдик.

—Анави бола аканг бўладими?- сўрадим ундан.

—Ҳм, акам.

—Уни сўкингани учун дадангга айтиб бермайсанми?

—Эй, айтиб ўтираманми, ҳали ўзим мот қилиб ташлайман уни. Дадамдан зўр сўкинишларни биламан.

—Даданг ҳам сўкинадиларми?

—Бўлмасам-чи, сўкишни билмаган эркак эркак эмас дейди улар.

Келинг, воқеани шу ерда тўхтатиб қўйиб, ўртоқларимнинг бунга муносабатини билиб келайин-чи. Кейин бу тўғрида сизларга ҳам айтиб бераман ва умид қиламанки, газетамизнинг кейинги сонларида сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз билан танишамиз.

***

—Қуш уясида кўрганини қиладида, болаларда айб йўқ, отасидан ўрганишган,-дейди ҳикоямни тинглаган бир дўстим. Буни ўзим ҳам яхши биламан, бу мен учун янги жавоб бўлмайди. Нафақат уясида кўриб қилади, кўпчилиги сўкишга оталари томонидан махсус ўргатилади, келиштириб сўкканлиги учун олқишлар олишади. Аммо уясидаги кимдан кўриб ўрганди экан? Ахир, қадимда бизнинг ота-боболаримиз сўкиниш у ёқда турсин, ҳатто фарзандларига ҳам "сиз" деб мурожаат қилишган-ку! Бугун эса ота-онанинг фарзандига эмас, фарзанднинг ота-онасига "сиз" деб гапирганини эшитиб турганимизда ҳам шукр қиладиган бўлиб қолдик.

—Сен бирёқлама фикрлаяпсан,- дейди бошқа бир дўстим. —Ҳамма замонларда ва ҳар бир маконда ҳам турфа хил одамлар яшайди. Айримлар сен ўйлаганинг каби фарзандига "сиз" деб мурожаат қилган бўлса, кимлардир ўша пайтда ҳам қўпол сўзларни айтиб завқ олган. —У бир неча йиллардан буён оғиздан-оғизга ўтиб келаётган "Эчки қўйга орқанг кўринди, деб кулган экан", "Лайлакка таклид қилган ғознинг бути йиртилибди" каби халқ оғзаки ижоди намуналарини мисол тариқасида келтиради.

Мен унинг сўзларига ишонгим келмай туриб ишона бошлайман. Инсон зоти ҳамиша ёмон иллатлар таъсирига кўпроқ берилган. Хислатдан кўра иллатни ўзига тезроқ "юқтирган". Шу сабаб, эҳтимол унинг гапида ҳам жон бордир, фарзанд отадан кўпроқ иллатларни "юқтиргани" боис муомала маданиятимиз издан чиқаётгандир балки, деб ўйлайман. Лек шу заҳоти бир нарсани англаб қоламан ва устоз Миртемирнинг "Сўзнинг ёмони йўқ, ҳаммаси яхши, ўрнини топса ярқираб оловланиб кетади. Сўз ўрнига тушмаса мунғайиб, мўлтираб, ўксиб, ўнғайсизланиб, яралганига юз пушаймон бўлиб қолади", деган гаплари ёдимга тушади.

Дарҳақиқат, сўзнинг ёмони бўлмайди. Биз ҳозир "қўпол" деб номлаётган сўзлар ҳам ўринсиз қўллангани учунгина қўполдир. Ахир, сўзларнинг ҳар бирига одамзод эҳтиёж сезганки, уни яратган, ҳар қайсисининг ўз ўрни бор. Айтиб ўтилган мақолларда биз "қўпол" тамғасини босаётган сўзлар жуда жойида ишлатилган. Чунки, ушбу мақолларнинг моҳиятида инсонни яхшиликка ундаш, мавжуд камчиликларини бартараф этиш ва айнан шу сўзларни қўллаш билан кучлироқ таъсир ўтказиш мақсади ётибди. Илгари бу мақоллардан, ширин сўзлар, тушунтиришлар кор қилмай қўйган тақдирдагина фойдаланилган.

Ҳақоратлаш-ноҳақ одамлар далили.
Ж. Ж. Руссо

Бугун борган сари қулоғимиз ўрганиб қолаётган, эриш туюлмай қўйган, ҳатто кўпинча эркалаш оҳангида айтилаётган ҳақорат гапларнинг тагида-чи, қандай мақсад бор? Одамлар яхши десанг яхши бўлишга, мақтасанг мақтовинг даражасида усишга ҳаракат қилади. Ёмон десанг ёмонлашиб бораверади. Ҳаётда кўплаб мисолларни учратишимиз мумкин. Бас шундай экан, инсон тарбиясидаги охирги чора сифатида қўллашимиз мумкин бўлган ҳақоратни меъёридан ортиқ даражада бачканалаштириб, дағаллаштириб, бўлар-бўлмасга ишлатаверишдан не наф?

Руҳиятни тушириш, "Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон" зайлида иш кўришга ундаш ёхуд таъсирчанликни йўқотиб, "қаттиққўлоқ"ка айлантириб қўйишдан бўлак нима беради улар инсонга?

—Билмайсан-да, кўп нарса беради,-дейди сўкинса, маза қиладиган бир танишим масхараомуз кулимсираб. —Жўраларинг ичида обрўйинг баланд бўлади. Ёмон гап эшитиб қолишдан қўрқиб, ҳеч ким ҳоҳишларингга қарши чиқолмайди. Қолаверса, кимнидир ерга урсанг, ўзингни осмон қадар ҳис қиласан, киши.

—Бундан ташқари, кимдир сени ҳақорат қилганда индамай кетаверсанг, қўрқоқ экан, деб ўйлашади, баттар бошингга чиқади. Кейин қайтариб сўкишга тўғри келадида, - гапга аралашади ёнидаги шериги.

—Мен жаҳлим чиққан пайтда сўкинмасам, кайфиятим жойига тушмайди, енгил тортмайман,- дейди яна бири.

Уларга ачиниб кетаман. Худди шундай, нафратланиб эмас, ачиниб кетаман. Боя маслаҳат тинглашга қанчалик муҳтож бўлсам, энди насиҳат беришга шунчалик эҳтиёж сезаман. Бироқ "Шамолга қарши бақирсанг, овозинг зое кетади", деганларига амал қилиб, уларни жимгина тарк этаман.

Ўз қадримни ўйлаб жимгина чиқиб кетдиму, ўшанда айтгим келиб айтолмаган сўзларим айни дамда мени тинч қўймаяпти. "Нега кўрқоқлик қилдим-а? Ахир уларга тўғри сўз билан тушунтириб, қисман бўлса-да, таъсир ўтказиш қўлимдан келмасмиди? Мен тузатишим мумкин бўлган хатоларни кўра-била туриб тузатмадим, бу билан яна қанча кишиларнинг диллари оғришига сабаб бўлдимми?" Шунга ўхшаш саволлар билан ўзимни кўп қийнадим...

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА, «Turkiston» мухбири

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК САРИ

Тинчлик — нақадар тотли ва муқаддас сўз

Тинчлик элатларни элатларга боғловчи, неча-неча минг қора кўзлар орзу-умиди, қулоқлари остида жарангловчи ёқимли оҳанграбосидир. Ана шу тинчлик дея, Иккинчи жаҳон урушида турли миллат вакиллари ўз жонларини қурбон қилишган.

Ҳозир ҳар бир ўтаётган кунимиз қадр-қимматига етиш, ўсиб келаётган ёшларимизнинг муҳим вазифасидир.

Ана шу тинчликни барқарорлаштириш йўлида жаҳон майдонларида ўтган бир ҳафта давомида қандай одимлар ташланди. Уни таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

Жаҳон ахборот агентликларининг хабарларига кўра, АҚШ Президенти Жорж Буш тинчликни барқарорлаштириш ишига катта ҳиссасини қўшмоқда. Бу борада, унинг Европа мамлакатлари бўйлаб қилган олти кунлик сафари сўзимизнинг яққол далилидир. АҚШ Президенти Жорж Буш дастлаб, ўз сафарини Германиядан бошлади. У ерда Германия федерал канцлери Герхард Шрёдер билан учрашиб, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик ва энг асосийси икки томон учун долзарб бўлган халқаро масалалар хусусида фикр алмашди.

Жорж Буш Германиядан сўнг Россияга ташриф буюрди. АҚШ Президенти Россия Президенти Владимир Путин билан учрашди. Учрашув чоғида ҳар иккала томон стратегик ҳужум қуроллари сонини қисқартириш тўғрисидаги шартномага имзо чекишди.

АҚШ Президентининг фикрига кўра, стратегик ҳужум қуролларининг қисқартирилиши борасида имзоланган шартнома совуқ уруш давридан қолган асоратларга бутунлай барҳам беради. Оқ уй раҳбарининг таъкидлашича, Москвада имзоланган шартнома нафақат Россия ва АҚШ ўртасидаги алоқалар тарихида янги даврни бошлаб беради, балки, халқаро майдондаги стратегик барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида тинчлик йўлида қилинаётган ишларнинг биридан қувонсангиз, бири эса сизни ўйга толдиради. Бу Яқин Шарқ минтақасидаги охирги пайтда юз бераётган вазиятдир. Етакчи аҳборот манбаларининг хабарига кўра, Ҳиндистон Бош вазири Покистон раҳбариятини террорчиликка қарши кураш борасида қилаётган ишлари қуруқ ваъдабозликдан иборат эканлигини таъкидламоқда.

Ҳиндистон Бош вазири Атал Бехари Важпаи Кашмирда ҳарбийлар билан учрашишни давом эттирар экан, Покистон очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлаб турган жангариларга қарши ҳал қилувчи ҳужумни бошлаш фурсати етганлиги тўғрисида баёнот берди. Покистон етакчи генерали Мушарраф мамлакат ҳар қандай ҳужумни қайтариш учун етарли кучга эга эканлигини ўз баёноти орқали ифода этди.

Яқинда 750 чақирим радиусдаги нишонни йўқ қилиш имконига эга бўлган "ер-ер" типидаги ракеталардан бирининг синови амалга оширилди.

Расмий Исломободнинг таъкидлашича, ракета синовлари кескинликнинг ортиши билан боғлиқ эмас.

Покистон ички ишлар вазири вакилининг сўзларига кўра, ракета синовларида ҳеч қандай ғайри — оддийлик йўқ. Бу Покистоннинг ички иши.

Шу кунларда бу икки мамлакат ўртасидаги зиддиятни юмшатиш мақсадида Европа иттифоқи, Буюк Британия ва АҚШ дипломатик фаолликни кучайтирган. Ҳиндистон-Покистон ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашуви халқаро миқёсдаги хавотирнинг ошишига бежиз сабаб бўлаётгани йўқ. Биринчи ўринда ҳар иккала давлат ҳам ўз ядровий қуролига эга эканлигини таъкидламоқчимиз.

Америкалик мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, агарда томонлар можаро вақтида ядро қуролини чекланган ҳолда қўллайдиган бўлса ҳам бир вақтнинг ўзида 3 миллион кишини ҳалокатига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида маълумот беришмоқда.

Ҳиндистон-Покистон ядро қуролидан фойдаланилмаган тақдирда ҳам қуролли қарама-қаршилик бутун бир минтақадаги вазиятни издан чиқаради. Чунки ҳар иккала мамлакат ҳам минтақада ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта салоҳиятга эгадир.

Биз Ҳиндистон-Покистон мамлакатлари чегараларида ўзаро келишувга келадилар деган умиддамиз.

Ўйлаймизки, ҳар бир давлат дунёдаги тинчлик барқарорлиги йўлида ўзининг собит қадамини дадил ташлайди.

Жаҳон Жараёнлари

Ҳозирги кунда кўпчилик, ёшу қари тамаки чекишни одат қилиб олган. Нега тамаки чекасиз? - деган саволга бир овоздан "одат тусига кирган", "фикрлашга ёрдам беради", "шунчаки..." деган жавобларни эшитамиз.

ТАМАКИМИ ЁКИ САЛОМАТЛИК

Хўш, кўпчиликнинг "одат"ига айланган тамаки қаердан келиб чиққан?

1492 йилнинг 12 октябрида Христофор Колумб Янги Дунё (Куба) ороллaридан бирига бориб тушгач, бу ерда истиқомат қилувчи қизил танлилар оғиз-бурниларидан қуюқ тутун чиқаришаётганини кўриб ҳайратга тушади. Улар қуруқ япроқларни узун қилиб ўрашар, бир учини оғзига солиб, иккинчисини ўт олдирардилар. Бундай ўрамларни ҳиндулар табако (тамаки) дейишарди.

Колумб ва унинг дўстлари тамаки уруғини Испания ва Португалияга олиб кетишган. Юз йилдан кам бўлмаган даврда "иблис тутуни" бутун Ер шари аҳолиси ўртасида тарқалиб кетди. XVI аср бошларида инглизлар тамакини Россияга олиб келдилар. XVII аср бошида эса голландияликлар Хитой ва Японияга олиб боришди. Тамаки офати хатарли тезликда янги қитъаларни забт эта борди. Аммо инсоният тинимсиз "иблис тутуни" билан курашмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, тамакини кўп вақт чекиш оқибатида инсон организми никотин моддасига кўпроқ эҳтиёж сезиб, бораркан. Ўз навбатида никотин юрак фаолиятининг бузилишига, нафас олиш аъзолари бронхларининг шиллиқ пардаси яллиғланиши натижасида бронхит, баъзан эса бронхиал астмага олиб келади.

Француз олими Морис Тублан ҳам тамакини саратон ва автомобиль ҳалокатидан ҳам хатарли бўлган "жамиятимиздаги ўлимларнинг биринчи омили" деб атаган.

Ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилиши натижасида тамаки тутунида радиоактив моддалар ҳам борлиги аниқланган. Олимлар икки қути тамаки чекувчи киши 36 дан 100 га қадар рентген нурланиш дозаси олишини аниқлашган ва илмий асосда исботлаб беришган. Бизга маълумки, радиациядан муҳофаза қилиш ҳалқаро шартларига кўра, киши организми учун нурланиш 5 рентгендан зиёд бўлмаслиги лозим. Ушбу радиоактив моддаларнинг атомлари ҳеч қандай фильтрлар билан ушлаб қолинмайди ва чекувчи киши организмида эркин равишда тўпланади.



Биз юқорида келтирган айрим далиллар чекувчиларни чўчитмаётганга ўхшайди. Улар ёрқин рангбаранг қутиларга қадоқланган оғуга ташналик билан интилишмоқда.

Саломатлигимиз ўз қўлимизда экан, уни ёшликдан асрайлик!

«Turkiston» мухбири Дилдора ТОИРОВА тайёрлади

Эрик ФИХТЕЛИУС

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

Бу қоидага газетчилар ҳам амал қилишади. Газета матни кучайтирувчи сўзларсиз ҳам бўлаверади. Бунда матн ифодали, мазмунли бўлиб, воқеа-ҳодисанинг шарт-шароити акс этмоғи керак.

Метонимия ва метафора

Репортёр нотиқлик санъати услубларидан хабардор бўлиши ва уни иш жараёнида қўллаши лозим бўлади. Метонимия – бу бутуннинг парчасидир. Турли сабаблар оқибатида телевизион кўрсатувларда биз воқеа-ҳодисаларнинг айрим бўлак, парчаларинигина намойиш қиламиз, ўша парчадан томошабин бутун ҳақида тасаввур ҳосил қилиши керак бўлади. Кадрлар ва товуш воситасида томошабин бўлиб ўтган воқеани кўз олдига келтиради. Кинофильм ва телефильмлар томошабинга кадрлар тилини тушуниб олишни ўргатди.

Кадрда ўқ отувчини кўрсатмасдан, йирик планда милтиқнинг тепкисидаги бармоқларнигина кўрсатиш билан томошабинда ўқотар ҳақида тушунча ҳосил қиламиз. Агар экранда қўлида бир даста қизил гул тутган эркак тез-тез соатига қараб бетоқат бўлаётган, кадр орқасидан турли тиллардаги овоз эшитилаётган ҳамда учоқлар келиб қўнганлиги ҳақида сухандоннинг гаплари эшитилиб турган бўлса, аёнки, бу эркак қўналғада ўз севгилисини кутмоқда.

Метонимия телевизион драматургиянинг фавқулодда бир ифода воситаси бўлиши мумкин. Швед тасвирчиси Дан Йоме 1989 йил Рождество арафасида руминиялик аскарлар ўз чегараларидаги "Руминия социалистик республикасига хуш келибсиз" деган ёзувларни олиб ташлаётганини суратга олишга муваффақ бўлди. Ушбу шиорнинг орқа томонига эса "Farawell" деб ёзилган эди. Бир неча сониялик тасвир Руминиядаги жиддий воқеани ифодаси эди. Дан Йоменинг бошқа бир репортажида баҳорнинг қуёшли кунларининг бирида Москванинг автомашиналар билан лиқ тўла кўчасида, автомашина оқими томон бир қаровсиз ит югуриб бориши ўз аксини топган. Мазкур тасвир воситасида тасвирчи қайта қуриш даврининг қарама-қаршиликлари ва фожиасини ифодалай олган.

Метафора – тушунчани образли ифодалаш. Қум соат умрнинг ўткинчилиги рамзи бўла олади. Метафора шоирнинг қуролидир, тележурналист учун ҳам муваффақият келтира олади. Кимнинг бўридай очлигини, кимнинг эшакдай қайсарлигини, яна бирининг уккидай донолигини дийдорий восита билан кўрсатиш мумкин. Қалтираб, маҳкам шишага ёпишиб олган қўл ижтимоий сиёсатнинг рамзи бўла олади. Швед репортёрлари социал-демократлар сайловчиларнинг ҳурматини йўқотганлигини ифодалаш учун сўлиган гулни* намойиш этиш рамзий воситасидан тез-тез фойдаланиб турадилар.

Равонлик

Оммага материал тушунарли бўлиши учун журналистнинг ахборотни тайинли қилиши, рамзлардан фойдаланишининг ўзи етарли эмас. Бундан ташқари у мавзуни яхши билмоғи ҳам зарур. Ўзи воқеа ва ҳодисани яхшигина англаб етган кишигина у ҳақида аниқ ва равон сўзлаб бера олиши мумкин. Репортёр масалага назарий жиҳатдан тайёр ҳамда қобилиятли бўлиши талаб қилинади.

Швед радиоси оммани ва дастурларни ўрганиш бўлимининг ходимлари Улле Финдал ва Биргитта Хойер ўз тадқиқотлари давомида ОАВларида баён қилинган оммани у ёки бу ҳодисанинг қабул қилиш жараёнига таъсир қилувчи айрим омилларни ажратиб кўрсатадилар:

Сабаб ва оқибатни айрича олиш. Маълумки, тингловчи ва томошабин биринчи навбатда воқеа содир бўлган жой ва унинг иштирокчиларига эътибор беради. Гап, аввало, тайинли жуғрофий тафсилотлар: жой номлари ва маълум-машҳур кишилар, идоралар, ташкилотлар ҳақида бормоқда. "Афғонистонда...орасида тўқнашув бўлиб ўтди..." ёки "Вольво ўзининг 200 ходимини ишдан бўшатди" . Сюжет мазмунидаги ушбу унсурларни тингловчи беихтиёр эслаб қолади, айни пайтда унинг сабаб-оқибатлари эса иккинчи даражали бўлиб қолади. Информациянинг шу йўсинда берилиши натижасида омма берилаётган хабардан айрим эпизодларни юлиб олади, яъни узуқ-юлуқ қабул қилиш содир бўлади.

Ҳодисанинг сабаби ва унинг оқибатини йўл-йўлакай, бир сира шунчаки айтиб эслатиш ҳам етарли эмас. Информацион хабарда масаланинг моҳиятини очиб бериш: унинг сабаби ва келиб чиқадиган оқибатларини кўрсатиб бериш марказий ўринда бўлмоғи лозим. Ана шундагина омма сюжетни тўлиқ қабул қилиш имконига эга бўлади, зотан ҳар бир ҳодисанинг вужудга келиши ва мантиқий ривожи бордир.

Шундай қилиб, сюжетни оммага тушунарли қилиб етказишнинг шартлари бу у ёки бу ҳодисанинг келиб чиқиш ёки кетиш жараёнини, унинг мантиқий оқибатларини лўнда ва равон усулда тушунтиришдадир.

Финдал ва Хойер ушбу жараёнда тасвирий тизманинг танланиши ва монтажи муҳимлигини таъкидлайдилар. Ҳодисанинг тайинли тафсилотларини намойиш қилиш қийин эмас, бироқ бу ҳол баъзан сюжетни чала қабул қилишга олиб келади. Сабаб ва оқибатларга доир тасвирий намойиш томошабинга воқеани қузатиш ва тўла тушунишига ёрдам беради. Бу вазиятда тасвир билан овознинг мутаносиблиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Тез ҳаракатланувчи кадрлар, кадрларнинг тез-тез алмашиниб туриши ёки журналист гапираётган мавзуга ёпишмайдиган кадрлар эса мазмунни илғаб олишга халақит беради. Материални намойиш қилиш ва сўзлаш тезлигининг ҳам ўз ўрни бор. Ниҳоятда тез гапириш, паузаларга амал қилмаслик, кўпинча, томошабиннинг мазмунни англаб сингдиришини қийинлаштиради. Тайинсиз ёки мавҳум маъноли атамалар ва тушунчалардан фойдаланиш ҳам худди шу оқибатга олиб келади. Мавҳум рақамларга тайинли мазмун бағишлаш ҳам яхши. Ҳамма томошабин ёки тингловчи 230 гектар ерни қўлами ҳақида тушунчага эга деб ўйлайсизми? Шунча майдонга қанча кўчат ўтказиш мумкин? Ушбу ишни икки нафар киши бажарса, бунга қанча вақт сарфланади? Миллион доллар нима ўзи, унга қанча шиша пиво ичиш мумкин? Миқдори қанча катта бўлса, кишиларга у шунчалик мавҳумлашиб боради. Бир неча сония ичида 120 миллиард долларни тасаввур қила оладиган киши борми?

Репортёр ўз тафаккури воситасида тасаввур қилиниши қийин бўлган мавҳумий сонлар, тушунча ва образларни кўпчиликка тушунарли бўлган шаклда етказишга интилмоғи керак. "Литературная газета"нинг мухбири Анатолий Рубинов тайинлилаштиришни журналистнинг беқиёс қуролига айлантиришга муваффақ бўлганлардан, у бунга совет замонининг турғунлик даврида эришди. Унинг алоқа вазирлиги ишига танқидий қарашида тайинлилаштиришнинг намунали мисолини кўриш мумкин. Рубинов почта ишини синаб кўриш учун ўз-ўзига юз марта хат жўнатади. У бу хатларни Москвадаги турли почта қутиларига ташлаб, ҳар бирини қайд қилиб кўяди. Тажрибадан мақсад соат 10гача қутига ташланган хат ўша куни адресатга етиб боради, деган қоидани текшириб кўриш эди. Рубинов бошқа москваликлар каби бу қоидага ҳеч вақт амал қилмаслигини билар эди, бироқ унга далиллар керак эди.

(Давоми бор)

Фарҳод РЎЗИЕВ ва Абдуқаюм ПАРДАЕВ таржимаси

TA'LIM VA ISLOHOT

Бугунги талаб эҳтиёжидан келиб чиқиб, яқинда институтимизда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини муҳандис-педагоглар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида "Касб таълими" факультети ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу факультет "Агроинженерия" ва "Электр энергетикаси" йўналишлари бўйича касб-ҳунар коллежларига муҳандис-педагоглар етказиб бера бошлади.

ТАЪЛИМ УФҚЛАРИ

Айни пайтда олий ўқув юртимиз Қарши шаҳридаги саноат, политехника ва қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларига, "Нуристон" академик лицейи ҳамда лицей-интернатга васийлик қилмоқда, улар билан институт ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланган, бундан ташқари, вилоятнинг 10 га яқин касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик тадбирлари бошлаб юборилди.

Айтиб ўтилган коллежлар билан уларда ташкил этилган институтимиз кафедра филиаллари орқали доимий алоқа қилиб турилади. Уларга олий ўқув юртининг тажрибали ва етакчи олимлари раҳбарлик қилишмоқда. Масалан, Қарши политехника касб-ҳунар коллежида "Қурилиш, сув ва газ таъминоти" кафедраси филиалига доцент Р. Яхшиев, "Автомобиллар" кафедраси филиалига А. Қодиров, Қарши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида "Агрономия" кафедраси филиалига доцент З. Ибрагимов, "Техникадан фойдаланиш ва меҳнат муҳофазаси" кафедраси филиалига доцент Э. Эшдавлатов, Қарши саноат коллежидаги "Фундаментал ва табиий фанлар" кафедраси филиалига доцент Э. Дониев, "Ижтимоий фанлар" кафедраси филиалига доцент П. Холиқуловлар жалб этилган. Академик лицей ва коллежларга ана шу кафедра филиаллари мудирларидан ташқари етакчи профессор-ўқитувчиларимиз махсус фанлардан машғулотлар олиб бориш, муаммоли маърузалар ўқиш, ҳамкорликда маъруза матнлари ва ўқув адабиётлари яратиш ҳамда даврий равишда илмий-амалий семинарлар ташкил этиш орқали яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда ушбу қишлоқ хўжалиги коллежида еттита йўналиш бўйича 1151 нафар ўқувчи, шу жумладан кундузги бўлимда эса 303 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги машиналари жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш, молия, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқий хўжалик фаолияти сингари касб йўналишларига 6 та кафедрага бирлашган 98 нафар ўқитувчи ўқувчиларга чуқур билим бериш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Коллеж тасарруфида 90 гектар ер майдонига эга ўқув-ишлаб чиқариш хўжалиги мавжуд. Бу ерда ўқув-режа ва дастурларига мувофиқ қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва моллари парвариш қилинади. Талабалар тажриба ва қузатиш ишларини олиб бориб, қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш технологияси агрономия, агротехника ва бошқа соҳалар бўйича малака ва амалий кўникма ҳосил қиладилар. Коллеж энг сўнгги нусхадаги компьютерлар, техника воситалар билан таъминланган, интернет тизимига уланган, дунёдаги энг замонавий қишлоқ хўжалик ва иқтисодий билимларни йиғиш имкониятига эга.

Коллеж жамоасининг асосий эътибори таълим сифати ва мазмуни кўтаришга қаратилган. Унда барча қулайликларга эга бўлган кутубхона, спорт зал, кураш зали ва бошқа спорт иншоотлари, стадион, ётоқхона, устахона, 3 та ошхона ўқув-ишлаб чиқариш хўжалиги, 2 та компьютер синфи, 6 та лингофон хонаси, 2 та кимё ва 3 та физика лабораториялари, 1 та махсус биология ва 34 та ўқув хоналари талабаларга хизмат қилмоқда.

Коллеж педагоглари институтимизда олиб борилаётган илмий ишларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Ўқитувчилардан Акмал Хайриддинов, Зафар Қобилов, Абдураҳмон Чўпонов, Бахтиёр Зиёдуллаевлар олий ўқув юртимизда аспирантурада сиртдан таҳсил олишмоқда ва номзодлик диссертацияларини якунлаш арафасида туришибди.

Рустам ХЎЖАҚУЛОВ, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректори, доцент

BUGUNNING SABOQLARI

Агар дунёни болалар бошқарадиган бўлса

«БОЛАЛАРГА БЕРАЙЛИК ДУНЁНИ...»

Аслида боланинг, гўдакнинг ёмони бўлмайди. Ҳеч бир чақалоқ ёмонликка мойил бўлиб дунёга келмайди. Аслида, бу дунёда ўғрини ҳам, тўғрини ҳам муҳит тарбиялайди. Бугун дунёга келган гўдакнинг эртага ким бўлиб вояга етишига, шубҳасиз унинг атрофида бўлган катталар сабабчи бўладилар. Дунёга янги келган чақалоқ булоқ сувидай покиза, қуёш нуридай тоза. Нозим Ҳикмат бекорга: "Болаларга берайлик дунёни..." демаган.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега болаларга бериш керак дунёни, деб. Умуман, шоир шу гапи билан нима демоқ-чи ўзи, деган савол сизни ҳеч ўйга толдирганми?

Ҳар доим юқоридаги саволларга ўзимча жавоб топгандек бўламан. Инсоннинг дунёда энг мусаффо, энг тоза, энг беғубор, энг бокира ва энг софдил пайти умрининг болалигига тўғри келади.

Агар бугун дунёни бошқаришни болаларга берадиган бўлсак, эртага, энг аввало, дунёнинг барча нуқталарида бўлаётган урушларга чек қўйилган бўларди. Чунки болалар урушни ёмон кўрадилар. Агар дунёни болалар бошқарадиган бўлса, биринчи навбатда, барча қирғин қуролларини йўқотиб, уларнинг ўрнига хилма-хил ўйинчоқлар ясаган бўлардилар. Ишончим комилки, улар энг аввало, миллатларидан қатъий назар, бир-бирларига қўл бериб она-заминни асраб-авайлаш ҳақида қайғурган бўлардилар...



Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, ёмонликлар, ёмонлар, ҳалокату фалокатлар қаердан пайдо бўлади, деб. Ахир, уларнинг ҳаммасини биз — катталар ўйлаб топмаганмизми?! Бугун она-заминимизнинг юрагини эзаётган минг бир турдаги ажал қуролларининг яратувчилари ким? Биз — катталар эмасмизми?! Бугун оғзимизни тўлдириб экологик ҳалокатлар ҳақида сўзлаяпмиз. Денгизнинг қуриши, иқлимнинг ўзгариши, она-табиатнинг биздан юз ўгиришигача бўлган ҳодисаларда ким айбдор? Яна биз — катталар эмасми?!

Ана шу ўринда кўнгилнинг туб-тубида чўкиб ётган савол юзага қалқиб чиқади. Биз сени кимлардан ҳимоя қилайлик, Болажон? Ўзимиздан эмасми?..

Аслида, биз болалардан жуда кўп нарсани ўрганишимиз керак. Жуда-жуда кўп нарсани...

Тўғри, болаларни ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар бор. Улар турли тадбирлар ўтказадилар, болаларни, яъни ўз келажагимизни асраб-авайлашимиз ҳақида қайғурадилар. Ўз мамлакатини, миллатини, халқининг эртасини ўйлаган ҳар бир давлат, шубҳасиз, уларни қўллаб-қувватлайди.

Назаримда, бизнинг биринчи галдаги вазифамиз болалар кўнглидаги софликни, самимийликни, мусаффолик ва тозаликни сақлаб қолишдир. Агар биз уларнинг кўнглидаги юқорида санаб ўтган туйғуларни сақлаб қололсак, шубҳасиз, ўз олдимизга қўйган барча мақсадларимизга эришамиз.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА, ўқитувчи

«БАЙРАМ» ГУРУҲИ:

МУХЛИСЛАР ИСТАГИ

Turkiston Кахвахонаси

Ўзбек эстрадаси кун сайин янги номлар билан бойиб бормоқда. Баҳоли-қудрат ижод қилиб, ўз мухлисларини топиб улгурган гуруҳларимиздан бири "Байрам"дир. Бугунги меҳмонимиз "Байрам" гуруҳи аъзолари Дониёр, Равшан ва Акмаллар бўлишди.



—Гуруҳнинг ташкил топиш тарихи қандай бўлган?

Дониёр Мамедов: — Гуруҳимиз 1994 йил май ойида ташкил топган. "Байрам" гуруҳини тузишдан аввал мен ва Равшан "Қарс" гуруҳида ижод қилганмиз. Кейинроқ эса "Тошкент" гуруҳида фаолият кўрсатдик. Сўнгра, дўстлар бирлашиб, ўз гуруҳимизни тузишга қарор қилдик. Гуруҳимизнинг асосий кучи дўстликдан иборат бўлиб, бизни ижод ва болаликдаги орзулар бирлаштириб туради.

—Нима учун гуруҳ номини айнан "Байрам" деб атагансизлар?

Равшан Ҳожиакбаров: — "Байрам" деб ном беришимизни бизнинг ҳомийимиз Абдураҳмон Давлатов таклиф этганлар. Чунки байрамлар ҳамиша гўзал ва чиройли бўлади. Биз ҳам халқимизнинг ҳар бир куни байрамдек ўтсин, деймиз .

—Қўшиқнинг элга манзур бўлишида хонанданинг улуши қанча деб биласиз?

Акмал Мамедов: — Бу ерда тарозининг асосини матн, яъни шеър босиб кетади. Энг асосийси, яхши шеър бўлса, бастакор ҳам қийналмайди, ажойиб куй ҳам вуҷондек отилиб чиқади. Ундан кейин тайёр қўшиқни мухлисларга тортиқ қилиш вазифаси хонандага юкланади. Бизнинг вазифамиз шоир ва бастакор тайёрлаб қўйган қўшиқни элнинг юрагига етказишдир.

—Кимлар билан ҳамкорлик қиласизлар?

Дониёр Мамедов: — Ҳозирги кунда кўпроқ халқимизнинг атоқли шоирлари Ойбек ва Эркин Воҳидовлар қаламига мансуб шеърлардан фойдаланяпмиз. Бастакорлардан эса Машҳура Расулова билан ҳамкорликда ижод қиламиз.

—Гуруҳингизнинг ҳаётдаги шиори қандай?

Акмал Мамедов: — Ҳаётдаги шиоримиз—ўзимиздан фақатгина яхши ном қолдириш! Биз ҳар йили Афғонистонда ҳарбий хизматда бўлганларга ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига хайрия концертлари ўтказиб турамиз. Чунки, савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деб ўйлаймиз.

—Оилангиз ҳақида ҳам суҳбатлашсак.

Равшан Ҳожиакбаров: — Рафиқам Шаҳлохон — уй бекаси. Ўғлим Жасур 6 ёшда, қизим Гавҳар эса 1 ёшда.

Дониёр Мамедов: — Турмуш ўртоғим — ўқитувчи. Ўғилларим Шерзод 11 ёшда, Беҳзод эса 10 ёшда. Ҳозир улар спортнинг сузиш тури билан шуғулланиб, бир қанча ғалабаларга ҳам эришдилар.

Акмал Мамедов: — Рафиқам Ҳулкархон-уй бекаси. 2 нафар қизим бор. Катта қизим Гулчеҳра 5 ёш, Барнохон эса 3 ёшда.

—Келгусидаги режалар билан ҳам ўртоқлашсангиз?

Равшан Ҳожиакбаров: — Ҳозирги кундаги асосий режаларимиз — янги қўшиқлар ёзиш ва қўшиқларимизга клиплар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон бўйлаб сафарга чиқиш.

Акмал Мамедов: — Орзуларимиз жуда кўп. Энг асосийси, устозлар ишончини оқлаб, ҳамиша халқимизнинг яхши кунларида хизмат қилиш ва фарзандларимиз камолини кўриш.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА суҳбатлашди

Исламов Умаржон Иминджанович номига берилган № 0917276 рақамли патент йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Ermatova Faraxat Tursunovna номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Камолов Юнус Бердиевич номига 22.02.1999 йилда берилган №240817 рақамли имтиёзли йўл чиптаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Утерянный гос.ордер № 06-05/624 от 6.10.93. Права собственности Конновой Ирины Павловны на квартиру **считать не действительным.**

Хайдаров Махмуд Холманович номига берилган № 1017961 рақамли патент йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

"Aziz-Servis" хусусий фирмаси тугатилади. Даъво ва аризалар бир ой муддат ичида қабул қилинади. Тел: 46-71-84.

ДЎСТЛИК ҚУЁШ КАБИ ПОРЛОҚ ВА АБАДИЙ

ЎРТОҚ КЕРАКМИ?

Баъзи руҳшуносларнинг таъкидлашича, киши ҳаёти давомида тўрт марта энг қадрли дўстларга дуч келар экан. Булардан болаликдаги, аниқроғи, мактаб давридаги дўсти, ўсмирликда учратган дўсти, ҳарбий хизматда ва ундан кейинги иш фаолиятида тутинган дўстлар вафоси билан бошқа яқин кишилардан ажралиб турар экан. Киши учун дўст топиш жараёни онгли равишда содир бўлиб, олинган тарбия, мавжуд ишонч ва дунёқараш ҳамда атроф-муҳитнинг муайянлигига ҳам боғлиқ бўлади. Дўстликда ёш унчалик аҳамиятга эга бўлмайди, аммо жинс муҳим саналиб, у келгуси муносабат учун таъсир кучига эгадир. Дўстга нисбатан эҳтиёж эса асосан боланинг 5-6 ёшидан бошланиб, бу жараён 45-50 ёшга қадар давом этган ҳолда йил сайин камая боради. Машҳур немис руҳшуноси В.Штерннинг фикрига кўра, вақт ўтган сари инсондаги мавҳум тафаккурнинг ўсиши билан унинг онгидаги дўстлик тушунчаси яққол образ сифатида тафаккурнинг таркибий қисми бўлиб сақланиб, умуман, келгуси ҳаётимда дўст керакми, деган шубҳа-гумонлар ҳам пайдо бўлиши мумкин экан.

Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

СЕВГИМИЗ НИШОНАСИ

Ёшлик дамларимни элас-элас хотирлайман. Ўшанда қўшни ҳовлида турувчи Нодира исмли синфдошим бўларди. У билан деярли бирга катта бўлдик. Мактабга бирга бориб, бирга қайтардик. Маҳалла болалари билан ўйинга ҳам бирга борардик. Ёшимиз улғайган сари бир-биримизга нисбатан меҳримиз орта борди. Шундай пайтлар ҳам бўлдики, кунда бир маротаба кўришмасак, туролмайдиган бўлиб қолдик. Бизни кўрган болалар эса "севишганлар" деб гап қилишарди. Лекин бу севги эмасди. Шунчаки дўстлик туйғуси кўриниши эди, холос.

Сўнгра мен ҳарбий хизматга жўнадим. Ўшанда негадир кўнглимнинг ярми узилгандай бўлиб қолди. Икки йил олис юртда бир-биримизга фақат хат ёзишиб, ҳамма қилган кундалик ишларимизни қоғозда сўзлашардик. Уйга қайтган куним эса биринчи бўлиб Нодира билан кўришдим. Негадир энди у кўзимга умуман бошқача бўлиб кўринди. Унинг очилган чеҳраси, тенгсиз ҳусни-ю, етилган қадди-қомати кўзимдаги дўстлик пардасини олиб, унга муҳаббат риштасини боғлади, қўйди. Менинг вужудимни бутунлай ўз тасарруфига олган бу ишқ ўти — унга нисбатан пайдо бўлган янги туйғу эди...

Шундан сўнг у менинг турмушдаги энг яқин ўртоғим бўлиб қолди.

УЧ ДОНИШМАНД ДЎСТ

Жумбоқ:

Бир куни уч дўст — Али, Вали ва Соли донишмандлик учун ўзаро тортишиб қолишди. Баҳсга тўртинчи киши аралашиб, бу муаммони ҳал қилиш йўлини айтиб, уларга 3 та оқ ва 2 та қора қалпоқни қўрсатди-да, улардан кўзларини юмиб туришни илтимос қилди. 3 та оқ қалпоқни уларнинг бошларига кийгизиб, қолган 2 та қора қалпоқни беркитиб қўйди. Шундан сўнг, бояги киши улардан кўзларини очиб, ўз бошларидаги қалпоқнинг рангини айтиб беришларини сўради. Улар бир-бирини бошига қараб ўйланиб қолишди. Сўнг Соли: "Менинг бошимдаги оқ қалпоқ", — деб тўғри жавобни топади. Хўш, Соли буни қандай топган?

Жавоб: *Соли кўз ўнгида икки оқ қалпоққа қараб туриб, қуйидагича фикр қилган: "Агар менинг бошимда қора қалпоқ бўлса, унда Али битта оқ ва битта қора қалпоққа қараб ўйга толган бўлар эди. Менинг бошимда қора қалпоқ эмас, чунки унда Вали донишмандлик қилиб, икки қора қалпоқни кўриб, бошидаги оқ қалпоқ деб тез топар эди". Лекин Али дўстим жим. Демак, менинг бошимдаги қалпоқнинг ранги қора эмас, оқ.*

«САРҲАД БИЛМАС ДЎСТЛИК» КЎРСАТУВИНИ ТОМОША ҚИЛИБ...

"Дунёга анор донаси каби сочилиб кетган эллар, элатларни боғлаб турувчи бир ришта бор: У узилмас ва бардавомдир. Уни барча тилларда бир сўз билан ифода этадилар. Арқони маҳкам, зуваласи пишиқ бу калом — ДЎСТЛИК"...

Ана шундай сатрлар билан бошланган теледастур кўпларнинг эътиборини ўзига тортди. Кадр орти матнинг жилосими ёки бошловчининг овозидаги ширами кўнгилларни андак ром этди.

Чоғроққина даврада ўтиргандик. Ғала-ғовур авжида эди. Бирдан орага жимлик чўкди. Нигоҳларимиз ойнаи жаҳонга қадалди. Экранда кўпдан зориқиб кутганимиз бир қиёфа акс этган, унинг лафзида ҳар бир инсон учун таниш ва азиз калом янграмокда эди. Бу, иқтидорли журналист, дўстимизнинг чеҳраси, у сўзлаётган калом — Дўстлик сўзи эди...

Дўстлик, бу туйғунинг миллати йўқ, ирқи йўқ... Қудратига тенг келолмас тоғларнинг тоши. У тўлқиндир — ўзанидан тошиб оқади. Шиддатига чегара йўқ, меҳри унинг сарҳад билмайди.

Ўзбекистон — I телеканалининг кечки дастурлари орқали эфирга узатилган "Сарҳад билмас дўстлик" кўрсатувини томоша қилиб, юқоридагиларни ўйладим. Рости, кўрсатув муаллифи Фозил Тиловатовнинг журналистик маҳоратига қойил қолдим. У ўз томошабинларига Европанинг йирик давлатларидан бири бўлмиш, Польша билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқалари теран томирларга эга экани ҳақида сўзларкан, анъанавий баён услубидан қочиб, бу икки халқ тарихидаги ўхшаш жиҳатлар, турдош воқеаларни қиёслаш йўлидан борганини кўрсатувнинг ютуғи бўлган.

Кўрсатувда икки давлат, икки халқ ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида расмий доиралар ва ҳукуматлар миқёсида амалга оширилаётган ишларга қисқагина тўхталинган холос. Асосий эътибор, республикамизда фаолият кўрсатаётган, дўстлик жамиятлари кенгаши томонидан қилинаётган ишларга қаратилган. Мақсад ҳам аслида шу: Агар кимда, мустақил Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг манфаатлари қай даражада муҳофазаланган: улар Конституциявий ҳуқуқларидан нечоғли фойдаланишяпти, деган савол туғилса марҳамат, кўрсатув бу каби сўровларга тўла-тўкис жавоб беради. "Полония" ва "Светлица — Полска" поляк маданий марказлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар бунга мисол...

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимиз жаҳон сари юз бурмоқда. Кўрсатувда иштирок этган польшалик ватандошимиз таъбири билан айтганда, "юртимиз дунёга таниляпти". Лекин, шу ўринда биз ҳам ким билан қўл сиқишиб, ким билан дўст тутинаётганимизни билишимиз лозим, унинг тили, тарихи, маданияти билан таниш бўлганимиз маъқул. Зеро, ана шу йўсин боғланган дўстлик ришталари мустаҳкам бўлгай. Юртбошимиз айтганларидек "Биз ҳамма билан дўст бўлишни хоҳлаймиз. Биз ҳаммани танишни, ҳамма бизни билишини истаймиз. Ҳамкорлигимиз ўзаро тенглик, ўзаро манфаатдорлик асосида қурилгай". Ҳисобли дўст айрилмас, деб бежизга айтмайди халқимиз. "Сарҳад билмас дўстлик" кўрсатуви ана шу улуғвор вазифаларга камарбаста экани билан аҳамиятга молик. Кўрсатув орқали ҳали кўплаб давлатлар билан танишиш истагидамиз. Балки буни кимдир хоҳламас, биз дўст танлашда "кимнингдир раъйи, бировнинг кўрсатмасига амал қилмаймиз. Яхши ният билан қўл узатган давлатга қучоқ очамиз. Ҳамкорлик истаган юрт билан дўст тутинамиз. Бу борада йўлимизга ҳеч ким ғов бўла олмайди, зеро Ўзбекистоннинг дўстлик, ҳамкорлик ғояси осмонда порлаб турган қуёш каби порлоқ ва абадийдир".

Фахриддин РЎЗИЕВ,
журналист

КУЛГИ + ПЛЮС...

Шифохонада гипсланган икки дўст суҳбатлашмоқда:

— Сизга нима бўлди, дўстим?

— Э, сўраманг, шундоққина уйнинг олдида темир дарвозага тарс этиб урилдим.

— Машинанг пачоқ бўлиб кетгандир?

— Йўқ, мен пиёда эдим.

* * *

Уч дўст барда ўтириб ютуқлари учун "отамлашмоқ"да эди. Шунда улардан бири сейфини очиқ қолганини эслаб қолди.

— Хавотир олма, — деб овутибди дўстлари. — Ахир, ҳаммамиз шу ердамиз-ку!

* * *

— Дўстим, сени телефонга чақиришяпти.

— Ким экан?

— Билмадим, "Товуқмия, сенмисан?" дейишяпти.

ХИЁНАТ

Азиз АКРОМОВ олган суратлар

Содиқ дўстни тиниқ ойнага ўхшатса бўлади, ойна кишидаги нуқсонларни қандай кўрсатса, дўст ҳам хато ва камчиликларни шундай очиқ-ойдин кўрсатиб беради. Лекин баъзида дўстнинг хиёнат қилиб дўсти қалбини жароҳатлаган ҳолатлар ҳам учраб туради.

— Дўстимнинг хиёнат қилишини тасаввур ҳам қилолмасдим, лекин энг яқин дугонам мен фотиҳа қилинган йигитдан кўнглимни совутиб, ўзи унга турмушга чиқиб олгандагина бу нарсанинг аччиқ бўлса-да, ҳақиқат эканлигини тушуниб етдим.

Камола Н.

— Бир пайтлар энг яқин ўртоғимга баъзи сирларимни ишониб айтган эдим. У бўлса буни кўпчиликка ошкор қилиб, ҳаётда, оз бўлсада, оғриқли кунларни бошимдан ўтказишимга сабабчи бўлди. Уни мен ҳеч қачон кечира олмасам керак.

Жамшид ШАРИПОВ

— "Кўрқоқ дўст жанг пайтида энг хавфли душман" деганларидек, ҳаётда мақсадимга қийинчиликлар билан энди эришаётгандим. Кутилмаганда энг яқин дўстим кўрқоқлик қилиб, ҳамма режаларимни чиппакка чиқарди. Бу биринчи бундай ҳолат эмас эди.

Ҳасан ҲАЙДАРОВ

Ҳа, ҳаётда баъзан юзларига дўстлик никоби тутганлар ҳам учраб туради. Қачонки, бошимизга кулфат тушгандагина ўша никоб остидаги ҳақиқий қиёфани кўришга мушарраф бўламиз.

БОШКОТИРМА

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйди. Шу йўлда қонунлар ва кўплаб қонуности норматив ҳужжатлари қабул қилиндики, буларнинг барчаси инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири — улғайиб келаётган ёш авлодни озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсон қилиб тарбиялашдир. Бу борада ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор Давлат дастурлар ёшлар, хусусан, болалар ҳимоясига доир норматив ҳужжатларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияга амал қилинган.

Агар бола ҳуқуқи оилада камситилса, бундай оилага нисбатан қонун йўли билан зарур таъсир ўтказишга, ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқини неклашга, ҳаттоки, умуман маҳрум қилиш чорасини қўллашга ҳам тўғри келади.

Шиддат билан ривожланиб бораётган замонамиз сабабли ота-оналарнинг ўз-ўзи билан банд бўлиб қолаётганлиги ҳамда фарзандларига вақт ажрата олмаётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Болаларнинг келажак ҳаёти, тақдири эса айнан ота-оналарнинг берган таълим-тарбияси асосида қурилади. Берилган тарбия қанчалик яхши бўлса, фарзанднинг эртаси шунчалик порлоқ бўлишини ҳаммамиз яхши ҳис қилишимиз зарур.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
талаба

АЙЛАНМА КРОССВОРД

Белгиланган ҳонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Биринчи жаҳон чемпионатида энг биринчи тўпни киритишга муваффақ бўлган футболчи. 2.XVII жаҳон чемпионати марказларидан бири бўлган пойтахт. 3.Соврин. 4.Португалия терма жамоаси ҳужумчиси. 5.Россия терма жамоаси ярим ҳимоячиси. 6.Польша жамоаси дарвозабони. 7.Швейциялик таниқли ярим ҳимоячи. 8.Парагвай жамоаси ҳимоячиларидан бири. 9.Эквадорлик ҳужумчи. 10.Ватанимиз олий табақа жамоаси. 11.Немис жамоаси ярим ҳимоячиси. 12.XVI жаҳон чемпионат юлдузи, тўпурар. 13.1982 йил Италияда ўтказилган чемпионатнинг ҳужумчиси. 14.Англия терма жамоаси дарвозабони. 15.Аргентиналик ҳужумчи. 16.Ўйинни бошқарувчи. 17.Тунис терма жамоаси ҳужумчиси. 18.Жаҳон чемпионати қатнашчиси, камерунлик моҳир тўпурар.

ЧАЙНВОРД

19.Бельгия терма жамоаси ярим ҳимоячиси. 20.Париждаги футбол стадиони. 21.Футбол марши муаллифи. 22.Бразилия терма жамоасининг моҳир ҳужумчиси. 23.Словакия жамоаси ярим ҳимоячиси. 24."Пахтакор" жамоасида ўйнаган зарби кучли тўпурар. 25.Жанубий Африка Республикаси дарвозабони. 26.Тошкентдаги илк футбол стадионларидан бири. 27.XVII жаҳон чемпионати ўтказиладиган мамлакатлардан бири. 28.Таниқли рус дарвозабони. 29.Япония терма жамоаси ҳужумчиси. 30.Машҳур ўзбек футболчиси, тўпурар мураббий. 31.Уругвай жамоаси ҳимоячиси. 32.Франциядаги футбол жамоаси. 33. Ўйиннинг давомийлиги. 34.Аргентиналик футболчи, XX аср юлдузларидан бири. 35.Футбол ўйини ватани. 36.Германиялик ҳужумчи. 37.Туркия жамоаси дарвозабони. 38.Сенегаллик ҳужумчилардан бири. 39.Жанубий Африка Республикаси жамоаси ярим ҳимоячиси. 40.Словакия жамоаси ҳужумчиси. 41.Перулик тўпурар дарвозабон. 42.Футбол анжоми. 43.Футбол қироли.



Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг навбатдаги сони 8 июнь шанба куни чиқади.

Саҳифани Рустам СУЛАЙМОНОВ тайёрлади

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.
Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 7-45-22
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 556. Адади-8428
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
Навбатчи муҳаррир: Воҳид БОЙМУРОДОВ
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ